

## «Octobank» акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Эълон санаси: 2023 йил 04 ноябрь

«Octobank» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – «Банк») Кузатув кенгаши, банкнинг номинал қиймати 1 000 сўмлик 175 000 000 дона, умумий суммаси 175 000 000 000,0 сўм бўлган оддий акциялари қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги Қарори Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2023 йил 30 октябрда № P0356-16 – сон билан рўйхатдан ўтказилганлигини маълум қилади.

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан, Банкнинг оддий акцияси эгаси бўлган акциядорлари ушбу чиқарилишдаги акцияларни ўзларига тегишли оддий акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига 2023 йил 24 октябрь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд этилган, Банк оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар эга бўладилар.

Банк акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$A / 200\,000\,000 = B$$

$$175\,000\,000 * B = C$$

Бунда:

*200 000 000 – Банк устав капиталидаги умумий акциялар сони;*

*175 000 000 – қўшимча чиқарилган оддий акцияларнинг умумий сони;*

*A – акциядорнинг Банк устав капиталидаги оддий акциялари сони;*

*B – Банк устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони;*

*C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинган оддий акциялар сони.*

Аниқлаш давомида қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса, кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ушбу билдиришнома эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) календарь кунни ташкил қилади.

Банк Кузатув кенгаши қарорига асосан акцияларни жойлаштириш нархи – хар бир акция учун 1 000 (бир минг) сўм этиб белгиланди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка тақдим этилиши керак.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан, имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар ёпиқ обуна йўли билан Tursunov Iskandar Baxtinurovich га жойлаштирилади.

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор матни нусхаси ва асл нусхаси билан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчаси 2-уйда жойлашган «Octobank» АЖ бош офисида танишиш мумкин.

Банк томонидан акцияларнинг ушбу қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда қуйидаги манзиллар – «Octobank» АЖ расмий веб-сайти ([www.rbk.uz](http://www.rbk.uz), [www.octobank.uz](http://www.octobank.uz)), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайти ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) ва корпоратив ахборот ягона портали ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) орқали ошкор қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун «Octobank» АЖга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчаси, 2-уй. Маълумот учун телефонлар: 71 202-01-02, 71 202-33-33

«Octobank» АЖ Кузатув Кенгаши

## ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА «Octobank»!

Дата раскрытия: 04.11.2023г.

Наблюдательный совет АО «Octobank» (далее – «Банк») уведомляет Вас о том, что 30 октября 2023 года Национальным агентством перспективных проектов Республики Узбекистан зарегистрировано Решение о дополнительном выпуске простых акций АО «Octobank» № P0356-16 в количестве 175 000 000 штук номинальной стоимостью 1 000 сум каждая, на общую сумму 175 000 000 000,0 сум.

В соответствии с Решением о дополнительном выпуске, акционеры Банка владельцы простых акций имеют преимущественное право приобретения простых акций из данного выпуска, пропорционально количеству принадлежащих им простых акций.

Преимущественное право приобретения акций дополнительного выпуска имеют акционеры – владельцы простых акций Банка, зафиксированные в реестре акционеров, сформированном по состоянию на 24 октября 2023 года.

Порядок определения количества акций приобретаемые с использованием преимущественного права будет осуществляться по следующей формуле:

$$A / 200\ 000\ 000 = B$$

$$175\ 000\ 000 * B = C$$

**200 000 000** – общее количество акций в уставном капитале Банка;

**175 000 000** – общее количество акций дополнительного выпуска;

*A* – Количество акций акционера в уставном капитале Банка;

*B* – Количество акций в пропорциональном значении к уставному капиталу Банка;

*C* – Количество акций приобретаемые акционером с осуществлением преимущественного права.

Если полученное число не будет целым числом, то остаток после запятой округляется до целого по правилам округления - если остаток больше 5 (пяти), его округляют в большую сторону, если меньше 5 (пяти) - в уменьшенную сторону.

Срок действия преимущественного права составляет 10 (десять) календарных дней, с даты публикации настоящего уведомления.

В соответствии с решением Наблюдательного совета банка цена размещения акций определена в размере 1 000 сум за одну акцию.

Акционер, имеющий преимущественное право, вправе полностью или частично осуществить свое преимущественное право путем направления в Банк заявления в письменной форме о приобретении акций, содержащего имя (наименование) и место жительства (место нахождения) акционера, количество приобретаемых им акций и документ об оплате. Такое заявление должно быть подано в Банк в течение срока действия преимущественного права.

Уступка преимущественного права не допускается.

В соответствии с Решением о выпуске, после окончания срока преимущественного права, оставшаяся часть акций будет реализована по закрытой подписке Tursunov Iskandar Baxtinurovich.

С текстом решения о дополнительном выпуске акций, а также с копиями и оригинальными экземплярами можно будет ознакомиться в АО «Octobank», по адресу: город Ташкент, улица Фурката, 2, тел 71 202-01-02, 71 202-33-33.

Информация о данном дополнительном выпуске акций осуществляется банком в порядке и сроки, установленные действующим законодательством Республики Узбекистан, по следующим адресам - официальный сайт АО «Octobank» ([www.rbk.uz](http://www.rbk.uz), [www.octobank.uz](http://www.octobank.uz)), официальный сайт Республиканской фондовой биржи «Тошкент» ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) и раскрывается через единый корпоративный информационный портал ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz))

Наблюдательный совет АО «Octobank»